



## БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАБ ОЛИШ УЧУН

### ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Фарғона шаҳар Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги ДМТГларга 2022-2023 йил қиши-баҳор мавсуми учун 22437 кг Сабзи маҳсулотини заҳирага жамғарип.

- 1.1 Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.2. Товарни етказиб бериш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.
- 1.3. Буюртмачи Пурратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоиз микдорида аванс тўловини ўтказиб беради.
- 1.4. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун шартномавий қийматининг 70% доирасида амалга оширилади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Фарғона шаҳар Мактабгача таълим бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Фарғона шаҳар Нурафшон кўчаси 15-йй
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:
  - Танлаш иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи

билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофсиз ижрочиликнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги ҳақида, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида кафолат хати

- Техник топшириқ талабларига мувофиқ тақдим этилган маҳсулот намунаси сифатига кўра энг юқори балл билан баҳоланади
- Танлаш иштирокчисининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органи ва хизмат кўрсатувчи банқдан олинган маълумотнома
- Танлаш иштирокчисининг умумий фаолияти ҳақида маълумотнома

#### 1. Низом маблағи микдори.

3.1. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.2. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.
- Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатларрўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигигатўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарориасосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тұғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сүнг қонунчиликда белгиланған тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатылған тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тұғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч күн олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилған санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилған ахборот ўзгартирилған бўлса, танлов ўтказиш тұғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланған шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки күн олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланған шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланған кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталған иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тұғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисигатегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилған таклифда кўрсатилған шартлар асосида тузилади

*Иштирокчи ташкилот бланкыда (агар мавжуд бўлса)*

**Харид комиссиясига**

**томунидан**

Ман

МЧЖ раҳбари лавозимида ишлайман.

Харид комиссияси томонидан №\_\_\_\_\_ лот билан ўтказилиши режалаштирилаётган харидларда ўз таклифимиз билан иштирок этиш истагини билдириб,

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (№684 22.04.2021 йил) куйидаги моддалари билан танишиб чиқиб:

**13-модда. Коррупцияга йўл қўймаслик принципи ;**

**14-модда. Манфаатлар тўқнашуви.**

Харидлар жараёнида коррупцияга йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга оид хукукбузарликларга йўл қўймаслиги, иштирокимиз давомида очиклик, шаффофлик ва инсофли ракобат принципларига таянишни кафолатлаймиз.

Мавжуд бўлган ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар топган холларда бу хақда бевосита давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органни хабардор этилишини билдирамиз.

«\_\_\_\_» 2022йил